МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 27 ноябрь. Чоршанба №100 (962) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

# ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 26 ноябрь куни «General Motors Powertrain Uzbekistan» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонасига ташриф буюрдилар.**

Олий мартабали меҳмон қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти, шарт-шароитлари билан танишди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатлардан бирига айланди. Бугунги кунда ўзбек автомобиллари нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда, жумладан, Туркманистонда ҳам харидоргир.

Дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган «GM Uzbekistan», «СамАвто», «JV MAN Auto — Uzbekistan» сингари корхоналарда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, махсус машиналар, кенг турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

«General Motors Powertrain Uzbekistan» корхонасининг ташкил қилиниши автомобилсозлигимиз ривожида янги даврни бошлаб берди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 16 декабрда қабул қилинган хорижий инвестициялар иштирокида куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» корхонасини ташкил қилишга оид қарорига мувофиқ ташкил этилган ушбу йирик қўшма корхона минтақамизда автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона заводдир. Бундай ноёб ва мураккаб ишлаб чиқариш корхоналари дунёнинг саноқли мамлакатидагина мавжуд.

Корхона алюминий эритиш ва қуйиш, термик ишлов бериш, цилиндр блоклари, тирсакли валга ишлов бериш ускуналари, уларни автоматик йиғиш линиялари, шунингдек, назорат-ўлчов машиналарини ўз ичига олган замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган. Ишлаб чиқариш жараёни компьютер орқали бошқарилади. Бу ердаги технологик жараён ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини мунтазам назорат қилиб бориш имконини беради, айни пайтда экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам жаҳон стандартларига тўла мосдир. Корхона маҳсулотларидан нафақат Ўзбекистондаги, балки «GM»нинг глобал тармоғига кирувчи хориждаги бошқа автомобилсозлик корхоналари ҳам фойдаланмоқда.

Мазкур завод «General Motors»нинг қуйиш ва йиғув цехлари бир жойда жойлашган дастлабки корхонасидир. Корхона ускуналар билан жиҳозланиши, технологик операцияни назорат қилиш тизими, эргономик ва экологик стандартларга мувофиқлиги бўйича энг замонавий ҳисобланади. Ўрнатилган регенерация тизими ишлаб чиқаришнинг ёпиқ циклини таъминлаш имконини бераётир.

Туркманистон Президенти мамлакатимиз автомобиль саноати ривожидаги улкан муваффақиятлардан бири бўлган, замонавий стандартлар асосида, энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхона фаолиятини юқори баҳолади.

Олий мартабали меҳмон завод ҳудудида кўргазмага қўйилган, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий енгил автомобиллар, юк машиналари, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси билан танишди. Туркманистон Президенти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ушбу автомобиллар ва бошқа техника турининг кўплигига, уларнинг сифати ва дизайнига юксак баҳо берди. Гурбангули Бердимуҳамедовда «GM Uzbekistan» қўшма корхонаси томонидан янги ўзлаштирилган «Chevrolet Orlando» оилавий минивэни катта таассурот қолдирди. 2014 йилнинг биринчи чорагидан мазкур минивэнни кенг ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шу билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди. Шубҳа йўқки, ушбу ташриф ва унинг натижалари Ўзбекистон ва Туркманистоннинг вақт синовидан ўтган дўстлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларига янги суръат бахш этади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ




Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

# ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР УСТУВОРЛИК КАСБ ЭТМОҚДА

**Мамлакатимизда давом этаётган ижтимоий-сиёсий жараён — фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизғин паллага кирди.**

Сайловларда замон билан ҳамнафас, фидойилик кўрсатиб, масъулиятни ўз зиммасига оладиган, аҳолининг қалбига йўл топиб, бир мақсад сари сафарбар эта оладиган, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга номзодлар раисликка муносиб кўрилмоқда. Шунингдек, уларнинг маслаҳатчилари ҳам ана шундай фазилатларга эга бўлиши лозимлигига эътибор қаратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларида фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлови муқобиллик, ошкоралик ва тенглик тамойиллари асосида ўтказилаётир.

Ишчи гуруҳи томонидан барча шарт-шароитлар яратилиб, сайлов бинолари жараёнга оид қўлланма, кўргазмали воситалар билан таъминланди. Шунингдек, раисликка номзодлар ҳақидаги маълумотлар, уларнинг дастурлари сайловчилар эътиборини тортиб, жараёнда фаол иштирок этишга ундамоқда.

— Ҳозиргача сайловчилар 243 нафар раис ва уларнинг 2101 нафар маслаҳатчисига ишонч билдирди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси Кожабой Элмуродов. — Қувонарлиси, маҳалла раислигига сайланганларнинг аксарияти олий маълумотли иқтисодчи, ҳуқуқшунос, ўқитувчи ва агрономлардир.

> [2]

ТАНЛОВ

# ТАРҒИБОТДА ЭНГ ФАОЛЛАР АНИҚЛАНДИ




Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Ёшларни замонавий билим ва тафаккурга эга, юксак ижодий-интеллектуал салоҳият соҳиби этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар маънавий-маърифий соҳалардаги янгиланиш жараёнларида муҳим аҳамият касб этаётир.**

Ўзбек Миллий академик драма театрида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбирда бу ҳақда алоҳида таъкидланди. Зеро, истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Юртимиз ўқув масканларида таълим ва тарбиянинг уйғун олиб борилаётганлиги ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат, она-Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Шу мақсадда таълим муассасаларида «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фани ўқитилаётир.

Турли кўрик-танловлар ташкил этилиб, маънавият тарғиботчилари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, ижодкор зиёлилар иштирокида илмий анжуманлар, мулоқотлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар мунтазам ўтказилмоқда. Маҳаллаларда йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими таъсис этилгани одамлар кўнглига йўл топиш, оилалардаги маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, жамиятимиздаги бағрикенглик, меҳр-мурувват ва ўзаро ҳурмат руҳини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

> [4]

ҚОНУН МОҲИЯТИ

# МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ НАЗОРАТ ВА МЕЪЁРНИ БЕЛГИЛАЙДИ

**Тадбиркорлик равнақига кўмаклашиш мамлакат иқтисодининг жадал ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан.**

Соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари йил сайин такомиллаштирилаётгани юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиб, тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатиши учун замин ҳозирламоқда.

Жорий йилнинг 4 октябрида кучга кирган «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳам бу борадаги муҳим янгилик бўлди.

Тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ёки улар кўрсатадиган хизматлар қонунчиликда мажбурий экани белгилаб қўйилган бўлса, сертификатланиши лозим. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги қарори билан мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхати тасдиқланган.

> [3]



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

*Қишлоққа саноатнинг кириб келиши аҳоли бандлиги баробарида ҳудудлар ободлиги, турмуш фаровонлигини ҳам таъминламоқда. Бу борада туманимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар эътирофга лойиқ. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1, халқ истеъмоли моллари 6, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 8,2, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 8,7, чакана савдо айланмаси 5 фоизга ўсди.*

*Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги қарори туманимизни янада гуллаб-яшнашида муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Ушбу ҳужжат асосида тез орада туманимизда умумий қиймати 31 миллион АҚШ долларига тенг 20 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада 652 та янги иш ўрни ташкил этилади.*

*Аҳолининг қурилиш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ҳисобга олиниб, туманимизда 806 минг АҚШ долларига тенг лойиҳа бўйича йилига 5 миллиард 620 миллион сўмлик материаллар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, «Ўзнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан ҳамкорликда юқори ва ўрта босимли полимер қувурлар тайёрлаш режалаштирилган.*

*Воҳа саноатини янада ривожлантириш борасидаги мазкур қарор тадбиркорларга ҳам кенг имкониятлар яратаётир. Корхонаси фаолиятини кенгайтиришга аҳд қилган тадбиркор Байрам Бекжонов маҳалла фаоллари кўмагида имтиёзли кредит олишга эришди. Натижада унинг корхонаси йилига икки минг дона чарм куртка ва оёқ кийими етказиб бериш қувватига эга бўлди.*

*Туманда балиқчилик тармоғини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратиляпти. Шу билан бирга, Каттабоғ қишлоғида кулолчилик, Таганда тўқувчилик, Остонада эса қандолатчилик корхоналари ишга туширилади.*

*Хуллас, ҳудуддаги ҳаётбахш ўзгаришлар юрт тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши билан бирга, аҳолининг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда.*

Жумамурод ЎРИНОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Янгиариқ тумани бўлинмаси раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# Инсон эрки ва иродасининг ифодаси




Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришаётган барча ютуқларимиз ҳамда халқимиз турмуш фаровонлиги ортиб бораётганлиги замирида Бош Қомусимизда белгилаб берилган қоида ва ҳақ-ҳуқуқларнинг ўрни беқиёс.

Зотан, Конституциямизда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари ўз аксини топган. Унинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдиришда тарғибот тадбирларининг аҳамияти катта. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими ҳамда шаҳар ва туман бўлинмалари томонидан ўтказиб келинаётган учрашув, мулоқот ва давра суҳбатларида ҳам аҳоли Конституция моддаларида мустаҳкамланган эркинликлардан хабардор этилмоқда.

> [3]

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

# АНИҚ МАҚСАД ВА МАНЗИЛЛИ ШАФФОФ ТИЗИМ

**Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида адолат ва тенглик тамойиллари асосида кучли ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилди. Кўп болали, кам таъминланган оилаларга, ногирон ва боқувчисини йўқотганларга ижтимоий ёрдам бериш маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали амалга оширилаётгани ушбу тизимга бўлган ишончнинг амалдаги ифодасидир.**

Ўзбекистоннинг Давлат бюджетида махсус «Ижтимоий ҳимоя» банди белгиланган бўлиб, бу дунё тажрибасида ягона ҳисобланади. Чунки миллий қадриятларимизни олижаноб фазилатлар, инсонпарварлик тамойилларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бюджетда кўзда тутилган харажатлардан ташқари, ҳукуматимиз томонидан ҳар йили ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтиришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилинмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида вояга етмаган фарзанди бор ҳамда кам таъминланган оилаларга аниқ манзилли ижтимоий ёрдам беришни кучайтириш, республика аҳолисининг реал даромадлари ва фаровонлиги барқарор ўсиши шароитларида уларни ижтимоий муҳофазалаш чора-тадбирларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида 2012 йил 12 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу муҳим ҳужжатга мувофиқ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Молия вазирликлари томонидан «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом» ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан тасдиқланди.

> [2]

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

# АНИҚ МАҚСАД ВА МАНЗИЛЛИ ШАФФОФ ТИЗИМ


Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Низомда ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамнинг барча турлари учун оилалар муҳтожлигини аниқлашнинг ягона мезони жорий этилган. Унда ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

Ўтган давр мобайнида ижтимоий ҳимоя йўналишида тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини аниқ мақсадли ҳамда манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда фуқаролар йиғинлари хизматига таянилаётгани ижтимоий ҳимоянинг шаффоф ва аниқ манзиллилигини таъминламоқда. Айниқса, маҳаллалар ҳузуридаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссиялар фаолияти изчил йўлга қўйилгани яхши самара беряпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига илова тарзида тасдиқланган Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия тўғрисидаги Намунавий низом бу борадаги ишларни янада такомиллаштиради. Эндиликда мазкур комиссия томонидан кам таъминланган оилалар ва ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз фуқароларни аниқлаш ва ҳисобга олиш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳақида фуқаролар йиғинига таклиф киритиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда болали оилаларга нафақани, бола парвариши бўйича нафақани ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш ҳақида қарор қабул қилиш, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз фуқароларга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш, уларга ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш, маиший шарт-шароитларини яхшилаш тадбирларида ёрдамлашади.

Намунавий низомга кўра, комиссия ўз вазифаларини амалга оширишда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар, шунингдек, зарур ҳолларда туман(шаҳар) давлат солиқ инспекциялари ва молия органлари билан ҳамкорлик қилади.

Комиссия таркиби фуқаролар йиғини томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида истиқомат қилувчи обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовар фуқаролар орасидан сайланади. Комиссияга фуқаролар йиғини раиси бошчилик қилиб, аъзолари 2 йил муддатга, фуқаролар йиғини раиси эса унинг бутун ваколати даврига сайланади. Эътиборли томони, комиссия таркиби камида 15 кишидан иборат бўлиши керак.

Бунда фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчилари, масъул котиб, фуқаролар йиғини ҳудудига бириктирилган туман(шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими, шунингдек, зарурият бўлганда, туман(шаҳар) давлат солиқ инспекциялари ва молия органлари вакиллари киритилиши лозимлигига эътибор қаратиш керак.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия таркибига номзод сифатида кўрсатилган шахс, агар фуқаролар йиғинида ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади. Комиссия аъзоси муддатидан аввал комиссия таркибидан чиқса, комиссиянинг янги аъзоси бир ой муддат ичида фуқаролар йиғини томонидан сайланади.

Комиссия йиғилишида комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, у ваколатли ҳисобланади. Иштирок этаётган аъзоларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган қарор қабул қилинган ҳисобланади. Комиссия ўз фаолияти юзасидан ҳар ойда фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чорагида эса фуқаролар йиғинига ҳисобот бериб боради.

Эслатиб ўтамиз, бу — Намунавий низом. Ушбу низом асосида ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб, фуқаролар йиғини ўзи тасдиқлаган низом асосида фаолият юритади.

Бир сўз билан айтганда, кучли ижтимоий ҳимоя фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Унинг замирида жамиятда ҳеч ким ёлғиз ва эътибордан четда эмас, деган эзгу ғоя мужассам. Зотан, Бош Қомусимизнинг 39-моддасида ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга экани кафолатланган.

Жумамурод СОБИРОВ,
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бош мутахассиси.

«ЙИЛ АЁЛИ — 2013»

# ЭНГ ЗУККО, ЭНГ ЛОБАР


ЎзА сурати.

**Нукусда «Йил аёли — 2013» анъанавий республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.**

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Зуҳра Иброҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган кўргазмалар, видеороликлар, белгиланган шартлар бўйича ўзига хос чиқишлар намойиш этилди.

Якуний натижаларга кўра, Мўйноқ тумани бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи Гулшод Даужанова ғолиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН

# ЎЗ ИШИГА МАСЪУЛИЯТ ИНТИЗОМДАН БОШЛАНАДИ

**Қарши туманидаги Талликўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби Мейлихол Қулмирзаева идорага ташриф буюрган фуқароларни ҳамиша очиқ чеҳра билан кутиб олади. Муҳими, бу ерга келган киши борки, ноумид қайтмайди.**

— Йиғин ишида маҳалла ҳаётини акс эттирувчи ҳужжатлар муҳим ўрин тутади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси бош мутахассиси Муҳайё Поёнова. — М.Қулмирзаева ана шу жараённи аниқлик, пухталик билан бажариб келаётган фидойи ходимлардан. Ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизоми борасида бошқаларга ўрнак. Айниқса, мурожаатларга вақтида жавоб қайтариши билан аҳоли орасида катта ҳурмат қозонган.

Мейлихол Қулмирзаеванинг ўзига хос қатъий иш тартиби бор. Ҳар бир ариза, шикоят ортида инсон тақдири турганини юракдан ҳис этиб, йиғин фаоллари билан кенгашади, фуқаролардан ёрдамини аямайди. Айниқса, мурожаатларни тегишли тартибда ҳал қилмагунча тиниб-тинчимайди. Мисол учун, шу йилнинг ўтган даврида аҳолидан 68 та ариза келиб тушган. Бевосита унинг иштирокида 50 дан зиёд мурожаат ижобий ҳал этилди.

— Мейлихол опанинг кўмагида қишлоқ фахрийларининг ҳудуддаги зовурга чиқинди ташланаётгани ҳақидаги хатлари атрофлича ўрганилиб, муаммо бартараф этилди, — дейди Талликўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини фаоли С.Тўхтаматова. — Атроф-муҳит саранжом ҳолга келтирилди, терак кўчатлари экилди.

Фидойи масъул котиб фуқаролар йиғини фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай масала юзасидан бериладиган саволга дарров жавоб қайтаради. Ўз ишига масъуллик ана шундай бўлади-да.

— Баъзи кўчаларимизни асфальтлаш борасида мурожаатлар келиб тушди, — дейди М.Қулмирзаева. — Шу мақсадда йиғинимиз фаоллари билан биргаликда ҳудуддаги тадбиркор ва ишбилармонларни жалб этган ҳолда, бир километрга яқин масофага асфальт ётқизиш ҳаракатини бошладик. Ҳар ойда чақириладиган фуқаролар йиғини кенгашида кўрилган масалалар ижросини ҳам бевосита назорат қилиб борар эканман, маҳалладошларим оғирини енгил қилишда иштирок этаётганимдан қувонаман.

Қишга тайёргарлик масаласи муҳокама қилинган кенгаш йиғилишида ҳудуддаги касб-ҳунар коллежи, 4 та мактаб ва қишлоқ врачлик пункти раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Кенгаш аъзолари томонидан аниқланган камчиликларни ўртага ташлаб, чора-тадбирлар белгиланишида М.Қулмирзаеванинг ҳиссаси катта бўлди.

Шунингдек, бола парваришлаётган оналарга, вояга етмаган фарзанди бор кам таъминланган оилаларга тўланадиган нафақалар ҳамда моддий ёрдамлар ажратилишига адолат ва тегишли қонун талаблари доирасида ёндашиш лозим. Масъул котиб ижтимоий кўмак истаб келган фуқароларга бу маблағлар қандай оилаларга берилишини қонун доирасида тушунтиради, натижада ҳеч кимнинг кўнгли оғримайди. Унинг фаоллигида 15 нафар эҳтиёжманд оилага моддий ёрдам, 12 нафар онага бола парвариши бўйича нафақа пуллари бериб келинмоқда.

Фуқаролар йиғинининг аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришдаги фаоллиги, М.Қулмирзаеванинг одамлардаги боқимандалик иллатини йўқотишдаги интилишлари самараси ўлароқ, аввалги йилларга нисбатан йиғинда моддий ёрдамга эҳтиёжмандлар сони анча камайган. Зеро, маҳалла фидойиларининг саъй-ҳаракатлари билан аҳолининг турмуши фаровонлашмоқда.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР УСТУВОРЛИК КАСБ ЭТМОҚДА



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Сайловчилар, асосан, олий маълумотли номзодларга овоз беришяпти. Негаки, улар халқни ўз ортидан эргаштирадиган, қонун-қоидалардан яхши хабардор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялай оладиган кишиларни раис ва унинг маслаҳатчиси бўлишини исташмоқда.

**Андижон вилояти**даги мавжуд 968 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан 597 тасида сайловлар бўлиб ўтди.

— Сайловчилар маҳалла раиси ва маслаҳатчиларини танлашда ҳаёт тажрибасига эга, малакали номзодларга овоз беришмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Пахтаобод тумани бўлинмаси раиси Роҳила Абдураҳмонова. — Улар соҳага оид қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни пухта ўргангани, зиммасидаги масъулиятни ҳис этаётгани жараённинг уюшқоқлик билан ўтишини таъминламоқда.

Вилоятда сайланаётган раисларнинг сифат таркиби туманлар кесимида ўрганилганда Қўрғонтепа, Пахтаобод, Андижон туманларида олий маълумотли мутахассисларга кўпроқ урғу берилганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, маҳалла етакчиларининг 139 нафари иқтисодчи, 105 нафари ўқитувчи, 48 нафари агроном мутахассислигига эгалиги ҳам эътиборга молик.

**Бухоро вилояти** Олот шаҳридаги «Бунёдкор» маҳалласи аҳолиси гавжум ҳудудлардан ҳисобланади. Шу боис Олтибой Хўжамқулов раҳбарлигидаги сайловни ўтказувчи ишчи гуруҳи аъзолари раисликка номзодларни чуқур ўрганишди.

1132 нафар сайловчи ишонч билдирган 41 нафар вакил иштирокидаги маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида ҳар бир номзод ўз дастури, маҳаллани келгусида ривожлантириш хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Якуний натижаларга кўра, йиғин раислигига энг муносиб номзод сайланди. Шунингдек, муқобиллик асосида саккиз нафар маслаҳатчига ҳам ишонч билдирилди.

Ҳозиргача **Навоий вилояти**даги икки юздан зиёд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди.

Беш мингдан зиёд сайловчи иштирок этган тадбирларда маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқароларнинг хоҳиш-истаги, холисона фикри асосий мезон бўлмоқда.

Сайловларда фуқаролар йиғини раиси лавозимига муқобил тарзда икки ва ундан ортиқ номзод кўрсатилаётгани, уларга алифбо тартибида ўз дастурини эълон қилиш ҳуқуқи берилгани ҳам жараённинг холисона ўтишини таъминламоқда.

**Наманган вилояти** бўйича 872 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига раис ҳамда маслаҳатчилар сайлови бўлиб ўтиши лозим. Ушбу муҳим жараён уюшқоқлик билан, юксак савияда ташкил этилмоқда. Шу кунга қадар 452 та фуқаролар йиғини ўз раиси ҳамда унинг маслаҳатчиларини аниқлаштириб олди. Эътиборлиси, яна 2,5 йиллик фаолият ваколатига эга бўлган 452 нафар раиснинг 40 фоиздан зиёди олий маълумотли: ўқитувчи, иқтисодчи, муҳандис, шифокор каби халқ билан ҳамнафас соҳа вакилларидир. Уларнинг 217 нафарига илк марта шундай юксак ишонч билдирилди. Қувонарлиси, бу раислар сайловнинг муқобиллик тамойили асосида 1350 нафар номзод орасидан танланди.

«Сўфизода» маҳалласи Наманган шаҳрининг энг қадимий ҳудудларидан. Аҳолиси ҳунармандлиги учун бу ерда оилавий бизнес ривожланган. Бугунги кунда у чинакам обод ва кўркам гўшага айланиб бормоқда. Ушбу ўзгаришларда йиғин фаолларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Маҳалла аҳли ҳар ишда йиғин раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари фикрига таяниб иш кўради. Шу боис фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови пухта тайёргарлик билан, белгиланган тартиб-қоидалар ва меъёрлар асосида ўтказилди.

Номзодларнинг дастурида ҳудудда бунёдкорлик ишларини кучайтириш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, маҳаллани кичик бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш, ёшлар таълим-тарбияси ва маҳалладаги маънавий муҳит барқарорлиги асосий мақсад қилиб олингани йиғилганларга манзур бўлди. Очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда икки нафар номзод орасидан маҳалла раиси ҳамда 18 нафар номзод ичидан раиснинг саккиз нафар маслаҳатчиси сайланди.

**Самарқанд вилояти** сайловчилари ҳам ҳудудда доимий яшаётган, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига эга номзодларга ишонч билдирмоқдалар.

Ҳозиргача вилоятда 723 та фуқаролар йиғинида сайлов ўтказилган бўлса, улардан 604 тасида ушбу жараён очиқ, 119 тасида эса яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилди. Сайловда иштирок этган 41922 нафар сайловчи 723 нафар маҳалла раиси ва уларнинг 7238 нафар маслаҳатчисига овоз берди.

— Вилоят бўйича барча сайловлар қонун талаблари асосида ўтказилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими масъул котиби Абдусами Қўзибоев. — Бу жараёнда кўрсатилган 737 нафар номзоддан энг сараларини сайлаш вакилларга осон бўлгани йўқ. Айниқса, бу борада уч кишидан иборат таркибдаги саноқ комиссияси аъзоларига алоҳида масъулият юклатилди.

Ҳозиргача **Сурхондарё вилояти**даги 832 та фуқаролар йиғинидан 342 тасида сайлов бўлиб ўтди. Айниқса, Сариосиё, Узун, Қумқўрғон ва Термиз туманларида мазкур жараёнга пухта ҳозирлик кўрилган.

Уч мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган Термиз туманидаги «Аму соҳили» маҳалласида жами 72 киши вакил сифатида қатнашиб, муносиб номзодга овоз берди.

— Сайловдан сайловгача кишиларнинг ҳуқуқий маданияти ошгани маълум бўлаётир, — дейди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси раиси Бобомурод Нуралиев. — Вакиллар номзодларнинг таржимаи ҳоли, дастурларига, маҳалла ободончилигини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги интилишларига алоҳида эътибор қаратишди.

**Фарғона вилояти** Риштон туманида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови юқори савияда, уюшқоқлик билан давом этмоқда. Айни кунгача тумандаги 37 та маҳаллада сайлов бўлиб, уларда 37 нафар фуқаролар йиғини раиси ва 437 нафар маслаҳатчи сайланди. Мазкур сиёсий жараёнларнинг 67 фоизида ёпиқ овоз бериш йўли танлангани фуқароларга энг муносиб номзодларни истиҳоласиз сайлаш имконини бермоқда.

«Марказ» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайлов ҳам кўтаринки кайфият, ҳамжиҳатлик ва адолат мезонлари асосида кечди. Йиғинда 2 минг нафарга яқин аҳоли яшайди ва уларнинг 850 нафардан зиёди сайлаш ваколатига эга.

— Юрт ободлиги, аҳоли ҳамжиҳатлигини таъминлашда маҳалланинг алоҳида ўрни бор, — дейди йиғин ишчи гуруҳи раиси Мўминжон Бобоев. — Шу боис бу муҳим сиёсий жараёнга пухта тайёргарлик кўриш, вакилларни сайлаш, фуқароларда дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, уни холис ва адолат мезонлари доирасида ўтказишга жиддий эътибор қаратдик. Вакилларнинг ҳам ҳаётий тажрибага эга, ибратли оилалар, фаол ёшлардан танлаб олингани маҳалла ривожи йўлида ҳаракат қиладиган муносиб номзодни сайлашда асосий омил бўлди.

**Хоразм вилояти**да шу пайтгача 320 нафар энг муносиб номзод фуқаролар йиғини раислигига сайланди. Шу билан бирга, уларнинг 2956 нафар маслаҳатчисига ишонч билдирилди.

Урганч шаҳридаги «Бешмерган» ва Комилжон Отаниёзов номли, Гурлан тумани Бирлашган қишлоғидаги «Дўстлик», Ҳазорасп тумани Овшар қишлоғидаги «Жангиота», Шовот тумани Чиғатойқалъа қишлоғидаги «Роят» маҳаллалари аҳолиси ҳам салоҳиятли номзодларга овоз беришди.

— Сайлов биз кутгандек очиқлик, ошкоралик руҳида ўтди, — дейди маҳалла фаоли Омонбой Сафаров. — Барчамиз муносиб номзодни сайлашни ният қилгандик. Ана шу мақсадимизга етдик. Энди янги маҳалла раисининг ёнида туриб, барча масалаларни биргаликда амалга оширишга яқиндан ёрдам берамиз.

**Тошкент шаҳри** Ҳамза туманидаги Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 2-сонли академик лицей биноси байрамона безатилган. Катта залда фуқаролар вакиллари ўтажак сайлов ҳақида суҳбатлашиб, ўзаро фикр алмашишяпти. Бир тарафда ишчи гуруҳ аъзолари келганларни рўйхатга олиш билан банд. Барча йиғилгач, давлатимиз мадҳияси янграб, сайлов бошланди.

Тадбирни ишчи гуруҳ аъзоси Ориф Мелибоев олиб борди. Вакиллар таклифи билан уч кишидан иборат саноқ комиссияси аъзолари сайлаб олинди. Сўнг раисликка номзодлар йиғилганларни ўзларининг дастурлари билан таништирдилар.

Вакилларнинг мунозара қилиб, бир қарорга келишлари учун вақт берилди. Уларнинг таклифига асосан овоз бериш очиқ усулда амалга оширилди. Вакиллар 18 нафар маслаҳатчини ҳам сайлаб олдилар.

Миробод тумани «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган сайловда аҳолининг фаоллиги, жараёнга катта эътибор билан қараётгани, бу борада қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларидан яхши хабардорлиги сезилиб турди.

— Ишни вазифалар тақсимотидан бошладик, — дейди «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ишчи гуруҳ раиси Ойбек Иброҳимов. — 22 та кўп қаватли уй, 14 та кўчада вакиллар йиғилишини ўтказдик. Шунингдек, уларни сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан хабардор этиш мақсадида 3 марта ўқув машғулоти ташкил этилди.

Йиғин раислигига икки нафар номзоддан бир киши, раис маслаҳатчилигига эса 18 нафар номзоддан 9 нафарига ишонч билдирилди.

Жойларда сайловлар демократик тамойиллар асосида давом этмоқда.

Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

ҚОНУН МОҲИЯТИ

# МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ НАЗОРАТ ВА МЕЪЁРНИ БЕЛГИЛАЙДИ



ЎзА сурати.

< [1]

Маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланган тақдирда сертификатлаштириш органи томонидан мувофиқлик сертификати берилади ва шу асосда тадбиркорлик субъекти мувофиқлик белгисини ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда «Стандартлаштириш тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлар амал қилмоқда. «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонун эса бу борадаги муносабатларни тартибга солишда асқотади.

Мувофиқликни баҳолаш аслида маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимлар, мувофиқликни баҳолаш органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мослигини аниқлаш бўйича юритиладиган фаолиятдир.

Унинг объектларига маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, аккредитация қилинишга талабгор бўлган юридик шахслар, мувофиқликни баҳолаш соҳасида ходим сифатида иштирок этишга талабгор бўлган мутахассислар киради. Соҳани давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Улар сертификатлаштиришни амалга ошириш, мувофиқлик сертификатлари бериш, ўзи берган мувофиқлик сертификатларининг ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларацияни рўйхатдан ўтказишнинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ёхуд мувофиқлик сертификатларини ёки мувофиқлик ҳақидаги декларацияни рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш ҳуқуқларига эга.

Шунинг баробарида мажбуриятлар ҳам бор. Жумладан, маҳсулот синовлари, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлашнинг белгиланган қоидалари ҳамда тартиб-таомилларига риоя этиш, манфаатдор шахсларга сертификатлаштириш, мувофиқликни декларациялаш, инспекция назорати, маҳсулот синовлари, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосалари ёки экологик экспертиза қоидалари ва тартиб-таомили тўғрисида ахборот тақдим этишга ушбу давлат органлари мажбурдирлар.

Қонунда аккредитация масаласига алоҳида урғу берилган. Унга кўра, миллий аккредитация органи Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигидир.

«Ўзстандарт» агентлиги бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органларини, синов лабораторияларини ва марказларини, сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органларини, шунингдек, сифат бўйича эксперт-аудиторларни аккредитациядан ўтказади.

Қонунда «мувофиқликни баҳолаш органлари» деган тушунча берилган. Мазкур органларга юридик шахс бўлган ва мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажариш учун аккредитация қилинган инспекция органлари, синов ва калибрлаш лабораториялари (марказлари), маҳсулотни, хизматларни, менежмент тизимларини, ходимларни сертификатлаштириш органлари киради.

Шу ўринда, мамлакатимизда стандартлаштиришга тегишли ҳужжатлар тоифалари тўғрисида айтиб ўтиш лозим. Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар, Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари, ташкилотнинг стандартлари, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари шулар жумласидандир.

Мазкур Қонунга мувофиқ тармоқ стандартлари, техник шартлар, корхона стандартлари стандартлаштиришга доир ҳужжатлар тоифасидан чиқариб ташланди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг мақсади одамлар ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш, шунингдек, табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ойбек ҲАКИМОВ,
ҳуқуқшунос.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

**Мамлакатимиз мустақилликка эришганининг дастлабки даврлариданоқ демократик жамият барпо этишга киришилди. Бу жараён давлатимиз раҳбари раҳнамолигида босқичма-босқич, изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.**



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Мамлакат Конституцияси умуминсоний қадриятлар, халқаро тамойил ва меъёрлар асосида ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилиши давлатчилигимиз асоси ҳурфикрлилик ғоялари билан мустаҳкамланганидан далолатдир.

Йигирма бир йил давомида давлатимиз конституциявий ривожланишнинг ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирадиган қатор ташкилий-ижодий босқичларини босиб ўтди. Мустақиллик остонасида республикамизни муқаррар хавф-хатарлардан муносиб ҳимоя қилиш, муаммоларга қонун ёрдамида, сиёсий келишув ва муроса йўли билан ечим топиб беришга Президентимизнинг журъати ва қатъияти, адолатли қарорлари асосида муваффақ бўлинди. Халқимиз ҳам ўша йилларда демократия, барқарорлик ва тотувликдан сабоқ олди. Бу ҳаммани қонун бўйича яшашга, жамиятни қатъий ва умумэътироф этилган демократик ҳуқуқий меъёрлар негизида такомиллаштиришга ўргатди.

Бош Қомусимизнинг 2-моддасида таъкидланганидек, давлатимиз халқ иродасини ифодалаб, унинг манфаатларига хизмат қилаётир. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул экани Қомусимиз ва унинг асосидаги қатор қонун ҳужжатларида қайд этилган.

Таъкидлаш жоизки, Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш, унинг кенг халқ оммаси томонидан муҳокама этилиши ва қабул қилиниши билан боғлиқ жараёнлар бевосита Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳбарлиги остида кечди. Демократик мазмун-мундарижаси, моҳияти билан ажралиб турувчи Қомусимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурч ва мажбуриятлари, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги моддаларга кенг ўрин берилган. Фуқароларнинг ҳуқуқларини, биринчи галда уларни суд орқали ҳимоялашни кафолатловчи механизмлар шаклланди.

Асосий Қонунда республиканинг давлат суверенитети, унинг ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги қатъий белгиланди. Халқаро ҳамжамият аъзоси сифатидаги мақоми мустаҳкамланди. Ҳуқуқ ҳамда қонун устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниш тамойиллари ўз аксини топди.

Конституция суверен мамлакатимизнинг демократик тадрижий ривожланишида ҳуқуқий пойдевордир. Унда халқнинг мақсади — инсонпарварлик тамойили асосида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ғояси аниқ белгилаб қўйилган. Асосий Қонун принциплари ва меъёрларининг амалиётга жорий қилиниши қонунлар яратишдаги ижодий жараёнларнинг жадаллашувига туртки берди. Шу асосда 600 дан зиёд қонун ва 15 та кодекс қабул қилиниб, «ўзбек модели»нинг беш тамойили ишлаб чиқилди. Қонун устуворлиги тўғрисидаги тамойил Асосий Қонуннинг 15-16-моддаларида акс эттирилди. Бу эса стратегик тараққиётнинг асосий йўналишларини белгилайди. Бешта муҳим тамойил асосида тараққий топаётган юртимизнинг иқтисодий салоҳияти бугун дунё аҳлини ҳайратта солаётир.

Давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ улкан янгиланишлар, туб ислоҳотлар жараёнида мамлакат ва жамиятнинг сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар амалдаги Конституцияга ва қонунларга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тақозо қилиши натижасида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Конституциямизнинг 32 та моддасига киритилган олти йўналишдаги ўзгартиш ва қўшимчалар қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг мақомини, сайлов тизимини ҳамда Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш қоидаларини янада аниқ ва тўлиқ белгилаб берди.

Асосий Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар жамият ҳаётида демократик янгиланишларни янада чуқурлаштираётир. Қолаверса, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнларини тадрижий такомиллаштиришнинг қонуний асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бош Қомусимиз талабларига кўра, давлат раҳбари — Президент Конституция, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият тараққиётининг кафолатидир. Жамиятнинг бугуни ва эртаси, гуллаб-яшнаши айнан давлат раҳбарияти, у танлаган стратегияга боғлиқ. Тараққиётнинг «ўзбек модели»даги беш тамойил, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришнинг олти устувор йўналиши, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш мақсад-вазифаси мустақил Ўзбекистоннинг ана шундай сиёсий стратегиясидир.

Халқимиз тинчлик, барқарорлик, осойишталикни қадрлайди. Юртимизда кечаётган, кўпчиликнинг ҳавасини келтираётган маъмур ҳаётнинг бош омили Конституциямизда белгиланган демократик меъёрлардан иборатлигини ҳар бир юртдошимиз теран англайди. Шу боис унинг қабул қилинган санаси ҳар йили умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Зотан, Конституциямиз — бахтимиз пойдеворидир.

Шерали ГАЛТЕМИРОВ,
Гулистон шаҳридаги «ABSOL VO» адвокатлик фирмаси адвокати.

МАҲАЛЛА ТАДБИРКОРИ

# Даромад фаолият ва иш ўрнини кенгайтирди

**«Аҳмад ҳожи Косоний» номли фермер хўжалиги бугун Наманган вилоятида энг номдорлардан саналади. Кўп тармоқли хўжалик асосан паррандачиликка ихтисослашган бўлса-да, кейинги йилларда ишлаб чиқариш ва боғдорчилик йўналишларида ҳам қатор ютуқларга эришяпти.**



Хусусан, унинг қолипли нон тайёрлаш цехи маҳалладошларига беминнат хизмат кўрсатишни бошлаган бўлса, янги ташкил этган 13 гектарлик интенсив боғидан дастлабки ҳосил олинди. Фермер хўжалиги раҳбари Анваржон Абдуллаевнинг тадбиркорлиги кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлаётир.

У 2005 йили Косонсой туманидаги Ширин қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари билан кенгашиб, ҳудуддаги бўш ётган паррандачилик фермаси биносини талаб даражасида таъмирлади. Шундан сўнг хориждан 25 минг бош сермаҳсул парранда келтириб, саккиз нафар ёшни ишга олди. Товуқларни замон талаблари асосида парваришлаш, уларга узлуксиз озуқа етказиб бериш мақсадида фаолиятини янада кенгайтирди. Шу тариқа «Аҳмад ҳожи Косоний» фермер хўжалиги ташкил этилди. Ўтган йиллар давомида парранда сони 130 мингга, ишловчилар эса 45 нафарга етди. Хўжаликнинг маҳсулотлари маҳалла, туман аҳолисидан ортиб, вилоят марказига ҳам етиб борди. Айниқса, Наманган шаҳридаги «Яшил деҳқон бозори»да алоҳида дўкон ташкил этиб, аҳолига парҳез товуқ гўшти ҳамда тухумни арзонлаштирилган нархларда етказиб беришдек хайрли ишга қўл ургач, фаолиятида унум ва барака ортди.

Фермер 2011 йили Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган ярмаркада иштирок этиб, «Narmaxsal» фирмасининг энг замонавий қолипли нон тайёрловчи дастгоҳларини сотиб олди. Яна маҳалла кўмаги билан хўжалик қошида ойига 50-60 минг дона қолипли нон ишлаб чиқарувчи цех барпо этилди. 10 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Косонсой тоғолди ҳудуд бўлгани учун ҳам туманда боғдорчилик оммалашган. Анваржон ёшлигидан шу соҳага қизиқарди. Ўтган йили Кўкимбой адирликларида интенсив боғ барпо этиш ҳаракатини бошлади. 13 гектарлик ташландиқ майдон хўжалик даромади ҳисобидан катта маблағ сарфланиб, ўзлаштирилди. Польшадан келтирилган 2,5 минг туп олма, гилос, шафтоли кўчатлари тўла кўкартириб олинди. Бу йилги куз фермер учун қувончли бўлди. Янги боғнинг нишона мевалари маҳалладошлари дастурхонини безади. Ҳисоб-китобларга кўра, кўчатлар тўлиқ кучга кирганда гектаридан 40-45 минг тонна ҳосил олиш мумкин экан.

— Даромад ортгани сайин фермер хўжалиги фаолиятини янада кенгайтириш, янги техникалар ҳамда ишлаб чиқариш дастгоҳлари сотиб олиш фикри туғилмоқда, — дейди А.Абдуллаев биз билан суҳбатда. — Бу борада алоҳида бизнес-режа тузяпмиз. Улар ичида маҳалладошларимга савдо ва маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, энг асосийси, ёшлар бандлигини таъминлаш каби мақсадлар бор. Бунда маҳалланинг оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланиб бораётгани, биз каби тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга амалий ёрдам бераётгани муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркор Косон қишлоқ фуқаролар йиғинининг Олим Аширов номли маҳалласида истиқомат қилади. Фермер хўжалиги маҳсулотлари шу атрофда жойлашган ўнлаб маҳаллалар аҳолиси рўзғорига барака киритаётган бўлса, хўжаликда меҳнат қилаётган 60 нафардан зиёд ишчининг турмуш фаровонлиги таъминланяпти. Шу билан бирга, ҳар йилги соф даромаддан ҳудудни ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамлашиш каби хайрли юмушларга ҳам маблағ ажратилаётир. Бир сўз билан айтганда, кўп тармоқли фермер маҳалладошлари дастурхонининг тўкинлиги, қолаверса, юрт ободлигига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Жамшид БЕК
«Mahalla»

МАҲСУЛОТИ МАШҲУР МАҲАЛЛА

# Расталарда марвариддек товланади



ЎзА сурати.

**Ўлкамизнинг ҳар бир фасли тароватли. Айниқса, олтин кузда борлиқ «очил дастурхон»га айланади-қўяди.**

Ҳар лаҳзаси ғанимат қуёшли кунларда бободеҳқоннинг, соҳибкор боғбоннинг қўли-қўлига тегмайди. Кузакни улар «ғалвирни сувдан кўтарадиган палла» дейишади. Ахир, йил бўйи қилинган заҳматли меҳнат самараси айнан шу фаслда намоён бўлади-да.

— Гарчи бош қашишга вақт топилмаса-да, қишлоқ одамлари кузни орзиқиб кутишади, — дейди Қизилтепа туманидаги «Гулбоғ» маҳалласи фаоли Содиқ Хўжаев. — Чунки пишиқчилик мавсуми дастурхонларга барака, элга ризқ келтиради. «Гулбоғ» азалдан марварид узумлари билан машҳур. Ҳудудимизда боғдорчиликка ихтисослашган 31 та фермер хўжалиги мавжуд. Узумзорларнинг умумий майдони 300 гектардан ортиқ бўлиб, гектарига ўртача 5 тоннадан ҳосил етиштириляпти. Бизнинг узумларимиз нафақат вилоятда, балки қўшни ҳудудлар бозорларида ҳам харидорига эга. Қувонарли жиҳати шундаки, маҳалла аҳли узумчиликнинг орқасидан фаровон яшаяпти. Ҳалол меҳнат рўзғорларга барака, маҳаллага файз, юртга ободлик келтираётир.

Дарҳақиқат, ишнинг кўзини биладиганлар кўпайса, юрт бойийди. Шу боис маҳалла фаоллари ҳудудда боғдорчиликни янада ривожлантиришга, кўчат экиб, боғ яратаман, деган ташаббускорларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишмоқда. Ҳудуддаги қўриқ ерлар ҳам ўзлаштирилиб, янги боғроғлар барпо этилаётир.

— Бундан ўн уч йил аввал яхши ниятда «Мадад» боғдорчилик фермер хўжалигини ташкил қилгандик, — дейди тадбиркор Шавкат Насруллаев. — Айни пайтда 6 гектар узумзоримиз бор. Унда 5 нафар киши ишлайди. Йилда олаётган даромадимиз эвазига узумзорни кенгайтириб, янги кўчатлар экмоқдамиз. Келгуси йилда ҳосилга кирадиган токзорда аввал ҳудудимизда етиштирилмаган узум навлари ҳам бор. Келажакда хўжалигимиз тасарруфида узумни қайта ишловчи кичик корхона очишни режалаштирганмиз.

Таъкидлаганимиздек, узумчиликда гулбоғликларга тенг келадигани камдан-кам. Айни пайтда бу ерда узумнинг 70 дан ортиқ хили парваришланмоқда. Албатта, ҳар соҳанинг ўз сир-асрори бўлгани каби узумчилик билан шуғулланаётган кишидан бу борада етарлича билим талаб этилади. Мавсум ўзгариши ёки об-ҳавонинг гоҳ қуруқ, гоҳ намлиги токзорларда суғориш, ўғитлаш, дорилаш, қирқиш каби агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини тақозо этади. Бунда эътиборли бўлганлар юқори ҳосилдорликка эришади.

Маҳаллада аҳоли шахсий томорқаларидан унумли фойдаланилмоқда. Қайси хонадон соҳиби билан суҳбатлашсак, рўзғорига керакли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз томорқасида етиштиришини, ортганини бозорга чиқариб, салмоқли даромад топаётганини эътироф этди.

Дарвоқе, вилоят марказидаги деҳқон бозорларида Қизилтепанинг картошкаю сабзиси, помидору бодринги ҳамиша харидоргир. Расталарда марвариддек товланган «маска», «тоифи», «келин бармоқ», «ҳусайни» каби узумларнинг соҳибкорлари ҳам айнан гулбоғлик боғбонлардир.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

# ИНСОН ЭРКИ ВА ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

< [1]

Маҳалла фаоллари, шунингдек, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари ҳамкорлигида «Конституция — бахтимиз қомуси», «Ёшлар тарбиясида Конституциянинг аҳамияти», «Таълим соҳасида Конституциянинг ўрни», «Конституция ва маҳалла» мавзуларида кенг қамровли тадбирлар уюштирилаётир.

— Бугун халқимизнинг сиёсий онги ва дунёқараши юксак даражада ўсиб бормоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими бошқаруви раиси Икромиддин Валиев. — Бу эса фуқароларнинг ишончли ахборотга нисбатан эҳтиёжини оширади. Шу боис мамлакатимизда турли миллат ва элатларнинг аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаётгани, барча соҳаларда эришаётган ютуқларимиз ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси Конституциямизда белгиланган қонун-қоидалардан иборатлигини тушунтириш энг долзарб вазифадир. Бу йўналишдаги ишлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш баробарида, қонун ҳужжатларида белгиланган ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини яхши англашда ёрдам беради.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 24 мингта яқин маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилган бўлиб, улардан 2 мингдан зиёди бевосита Конституция ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари тарғиботига бағишланди. Жумладан, суҳбатларда ижтимоий муҳофаза мавзусига алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор. Қомусимизнинг 39-моддасида ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга экани қайд этилган. Фонднинг вилоят бўлими томонидан 71 та кам таъминланган оилага 7 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилиб, 84 та оила фарзандлари қишки кийим-кечак билан таъминлангани замирида ҳам айнан шу кафолат акс этган. Бундан ташқари, ҳамкор ташкилотлар томонидан 1820 та кам таъминланган оилага 545 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Таъкидлаш жоизки, тарғиботчилар айниқса, «Оила — жамиятнинг асосий бўғини», «Оила — жамиятнинг таянчи» каби мавзуларга алоҳида эътибор қаратишаётир. Бу аҳолига, айниқса, ёшларга оиланинг муқаддас даргоҳ эканлиги, юртимизда оилага бўлган конституциявий эътиборнинг нечоғли устуворлигини тушунтиришда яхши самара бермоқда.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

# ФАРЗАНД — ОИЛА ТАЯНЧИ, ЮРТНИНГ ҚУДРАТИ



**Озод ва обод диёримизда ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари, замонавий фан-техника сир-асрорларини пухта ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилган.**

Айниқса, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишларида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигининг изчил йўлга қўйилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, турмушимиз ободлиги, ҳаётимиз фаровонлиги, халқ хўжалигининг барча соҳаларида эришилаётган ютуқлар аслида фарзандларимизнинг маънавий баркамоллиги билан чамбарчас боғлиқ. Агар оилада, мактабда, таълим муассасасида таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйсак, фарзандларимиз келажаги, улар орзу-ниятларининг ижобати, қолаверса, юртимизнинг порлоқ эртаси учун мустаҳкам замин ҳозирлаган бўламиз. Бунда албатта, устоз-мураббийларнинг ҳиссаси катта.

Мактабимиз «Шарқ гавҳари», дея эътироф этилган қадим Хивага кираверишдаги «Лолазор» маҳалласи ҳудудида жойлашган. Шаҳримизга дунёнинг турли бурчакларидан келадиган сайёҳларнинг нигоҳи, албатта, мактабимизга тушади. Баъзилари илм даргоҳимизга қизиқиб, ташриф буюрганида ҳавас ва ҳайратларини яширишмайди. Ўқув хоналари кенг, ёруғ, шинам. Компьютер ва бошқа замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Ахборот-ресурс маркази, спорт зали, маънавият ва маърифат хонаси, ошхона ўқувчилар хизматида.

Воҳадаги ибратли илм даргоҳларидан бири ҳисобланган мактабимизда вилоят, республика миқёсида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Яқинда воҳамизда бўлиб ўтган «Ватаним остонаси маҳалламдан, оиламдан бошланади» форумининг таълим ва тарбия сектори аъзолари ҳам мактабимизда олиб борилаётган ишларга, айниқса, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги йўналишидаги фаолиятимизга юқори баҳо беришди. Бу борада олиб бораётган ишларимиз эътироф этиб келинаётганлиги эса бизни янада масъулият билан ишлашга ундайди.

Фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда турли маънавий-маданий тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилган. «Бир болага етти қўшни ота-она», «Маҳалла — қадриятлар маскани», «Ёшларни келажакка тайёрлаш», «Оилада шарқона одоб», «Фарзандлар оила таянчи, юрт кўрки», «Шогирдлар камоли — устозлар фахри», «Биз истиқлол фарзандларимиз» каби мавзуларда ўтказилаётган давра суҳбатлари, маънавий-маърифий учрашувларда, албатта, маҳалла фаоллари, ота-оналар, таниқли ижодкорлар, турли касб эгалари қатнашмоқдалар. Бу, ўз навбатида ўқувчилар давоматини яхшилашда, уларни турли тўгаракларга жалб қилишда, бўш вақтларини мазмунли ўтказишда, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқинда Тошкентда ўтказилган «Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси» Республика ижодий ишлар танловида 7-синф ўқувчиси Насиба Руминова биринчи ўринни эгаллади. Шерзод Назаров, Шаҳло Матёқубова, Ҳурмат Нурматов каби ўқувчиларимиз ҳам турли нуфузли танловлар ғолиблари бўлишди.

Маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш бўйича ўзаро ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Ўтган ўқув йилида мактабимизнинг 9-синфини тугаллаган 39 нафар ўқувчининг 2 нафари Урганч давлат университети қошидаги 4-академик лицейга, 20 нафари педагогика, 10 нафари тиббиёт, 7 нафари қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларида таҳсилни давом эттиришаётир.

Маҳалламизда ҳунармандлар кўп. Наққош Болтабой Сафоев, ганчкор Ориф Машарипов, мебелсоз уста Қўзибой Ғуломов, қандолатчи Зулхумор Отажоновалар ўз устахона ва цехларида «устоз-шогирд» мактаблари очишган. Ўқувчиларимиз ўз хоҳишлари бўйича ана шу тадбиркор, ишбилармон инсонларга шогирд тушиб, устозлари ишончини оқламоқдалар. Яқинда «Ичонқалъа»да бўлиб ўтган ёш истеъдодлар кўргазмасида мактабимиз ўқувчилари яратган буюм ва ноз-неъматлар ҳам намойиш этилди.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп эканлиги «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» доирасида олиб бораётган ишларимизда ўз ифодасини топяпти. Бу йўналишдаги фаолиятимизни изчил давом эттириш асосий мақсадимизга айланган.

**Насиба МАШАРИПОВА,**
**Хоразм вилояти Хива туманидаги 7-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.**

САЛОМАТЛИК ОЙЛИГИ

# Сурункали ва асорати оғир кечади

**Кейинги йилларда юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий тиббиёт масканлари қад ростлаб, зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди.**

Ҳар йили ноябрь ойида диабет ойлигининг ўтказилиши ҳам аҳоли саломатлигига қаратилаётган юксак эътибор намунасидир.

Эндокрин касалликлар кўп ҳолларда сурункали бўлиб, оғир асоратлари билан нафақат инсон ҳаётига, балки жамиятга ҳам жуда жиддий хавф туғдириши мумкин. Жумладан, қандли диабет касаллиги фуқаронинг саломатлигига зарар етказиши билан бирга катта сарф-харажат талаб этади. Чунки бундай беморларнинг баъзилари ошқозон ости безидаги лангерганс оролчаларидаги ß(бетта) ҳужайраларида ишлаб чиқариладиган инсулин гармонига қарам бўладилар. Жараён тўхтаганда уларнинг ҳаёт кечириши қийинлашади. Гармон ишлаб чиқарилмаганида уни ташқаридан қабул қилишга тўғри келади. Бу эса беморга ҳар куни ўртача 30-40 минг сўмга тушади.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда қандли диабетнинг тарқалиш даражаси 5 фоизни ташкил қилади. Гарчи хасталанганлар сони кўп бўлмаса-да, агар самарали чоралар кўрилмаса, дунё миқёсида 25 йилдан сўнг ҳар олтинчи одам, XXI аср ўрталарига келиб, ҳар иккинчи одам диабетга чалиниши тахмин қилинмоқда.

Буни инобатга олиб, юртимизда мазкур соҳада кенг ислоҳотлар, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Спорт ва маданият ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Эндокринологлар ва Диабет Ассоциацияси, Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида кўпгина амалий ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда юртимизда сўнгги тиббий жиҳозлар билан таъминланган 14 та эндокринологик диспансер ва Марказий Осиёда ягона Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ишлаб турибди.

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги таълим муассасалари, корхона-ташкилотлар ва маҳаллаларда диабет ойлигини ўтказиш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширяпмиз, — дейди Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ташкилий услубий бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди Дилфуза Бердиқулова. — Шунингдек, Халқаро диабет куни муносабати билан марказимизда «Очиқ эшиклар куни» ўтказилиб, барча беморларларга бепул тиббий хизмат кўрсатилди.

Юртимизда инсон манфаатлари олий қадрият ҳисобланади. Шу боис бундай беморларнинг кўпчилиги давлатимиз томонидан инсулин ва дори препаратлари билан таъминланмоқда.

Ҳар биримиз ўз саломатлигимизга эътиборли бўлишимиз даркор. Бунинг учун ҳаракатсизликдан, спиртли ичимликлар истеъмоли, кашандаликдан сақланиш, нотўғри овқатланишга, қон босими ошишига йўл қўймаслик муҳим саналади. Наслида қандли диабетга мойиллиги бор беморлар ҳам мана шу оддий қоидаларга амал қилсалар, касалликнинг олдини олган бўладилар.

Умида УЗОҚОВА
«Mahalla»

ТАНЛОВ

# Тарғиботда энг фаоллар аниқланди




Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, Байналмилал маданият маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танлови маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилгани билан ҳам улкан аҳамиятга молик. Зеро, ундан кўзланган асосий мақсад маънавий-маърифий тарғибот соҳаси мутахассислари фаолиятини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, бу борадаги илғор иш тажрибаларини оммалаштиришдан иборатдир.

Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, шунингдек, танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этишди.

Танлов жараёнида иштирокчилар юртимиз ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни теран таҳлил эта билиши, нотиқлик маҳорати, ташкилотчилиги, одамлар, айниқса, ёшлар қалбига йўл топиш, уларнинг онгу шуурига ижобий таъсир ўтказа олиш қобилияти каби мезонлар асосида сараланди. Шу билан бирга, тарғиботчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини иш жараёнига унумли татбиқ этиши, ёшларни «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан ҳимоялай олишга доир иш услубига асосий эътибор қаратилди.

Тадбирда кўрик-танловнинг ҳар бир ҳамкор вазирлик ва идоралар бўйича «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» аниқланди.

Хусусан, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Шаматон қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойгул Жабборова Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тизими ғолиби сифатида эътироф этилди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори маҳаллалардаги маънавий тарғибот ишларини янада жадаллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқишда дастуриламал бўлаётир, — дейди О.Жабборова. — Зотан, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, осуда ва фаровон ҳаётимизни қадрлаш, огоҳлик ва ҳушёрлик, фарзандларимиз қалби ва онгини турли ғоявий таҳдидлардан ҳимоялаш энг муҳим вазифамиздир. Бу каби юксак эътибор ва рағбат биз сингари маънавият тарғиботчиларининг масъулиятини янада оширади.

Танлов сўнгида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг турли йўналишлар бўйича ғолибларига диплом ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

Диддора ҚАРШИБОЕВА
«Mahalla»

СПОРТ

# Ёш полвонлар беллашди



**Қарши шаҳрида 2000-2001 йилларда туғилган ўғил-қизлар ўртасида миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.**

Мусобақада ўғил болалар 10, қизлар 8 вазн тоифасида иштирок этди. Ўғил болалар ўртасида Тошкент вилоятидан О.Раҳматов, бухоролик У.Шокиров, хоразмлик Ш.Жумаев, қашқадарёлик Б.Омонов, самарқандлик А.Бўронов ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлди. Қизлар ўртасида хоразмлик Ҳ.Қурбонова, навоийлик Ш.Бозорова, қорақалпоғистонлик Б.Қаллибекова, фарғоналик Д.Муҳиддинова, наманганлик М.Йўлдошева, самарқандлик З.Суюнова биринчи ўринларни қўлга киритди.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ

«Ободонлаштириш объектларини назорати» ДУКнинг 2013 йил 19 ноябрдаги 01/01-145-сонли хатига асосан, ушбу ташкилот балансидаги д/р 01/601QCA бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.




# Қор бўрони зўрайди

**Ўтган ҳафта АҚШнинг ғарбий соҳилларига ёпирилган қор бўрони Жанубий Калифорниядан Техасга томон силжиган.**



Бўрон натижасида келиб чиққан автомобиль ҳалокати олти нафар кишини ҳаётдан олиб кетди. Транспорт воситаларининг тўқнашуви оқибатида 20 нафар киши касалхоналарга ётқизилган. Бундан ташқари, ноқулай об-ҳаво туфайли 13 нафар одам қурбон бўлди. Бўроннинг зўрайиши 11 минг аҳоли яшайдиган ҳудудда электр манбаининг узилишига олиб келди.

Халқаро Даллас/Форт Уэрта аэропортида 300 га яқин парвозлар бекор қилинди. Уилл Рожерс номидаги қўналғада эса, уларнинг ўн фоизи қолдирилди.

# Гумондорлар ҳибсда

**Хитойнинг Циндао шаҳрида нефть қувурининг портлаши ҳолати бўйича тўққиз нафар киши ҳибсга олинди.**



Қўлга олинганларнинг етти нафари «Sinopec» компанияси ходимларидир. Қолган икки нафари Циндаода иқтисод ва технология бўйича ишлаган. Нефть маҳсулотининг оқиши ҳамда портлаш ҳодисаси билан ҳибсга олинганлар ўртасида қандай боғлиқлик борлиги хусусида ҳозирча бирор маълумот ошкор этилмаган.

Шаньдун музофотининг денгиз хавфсизлиги бошқармаси Цзяочжоу кўрфазида нефть қуйилишининг олдини олишга муваффақ бўлинганини билдирган. 3000 квадрат метрга тарқаган «қора олтин»ни йиғиб олишга 40 дан зиёд кема жалб этилган.

Эслатиб ўтамиз, жума куни «Sinopec» компаниясининг қувуридан нефть сизиб чиқиши натижасида портлаш рўй берганди. Оқибатда 55 киши ҳалок бўлиб, 145 нафари шифохонага ётқизилган ҳамда тўққиз нафар одам бедарак кетган, деб топилганди.

# Саёҳатдан мақсад — эътибор

**Британиялик ўқитувчилар уч ғилдиракли мотороллерда саёҳат қилиш борасида дунё рекордини ўрнатишди.**




28 ёшли Р.Сирс ва Н.Гоф Осиё, Африка ва Жанубий Америка қитъаси бўйлаб 37,5 минг км. йўл босишди. 37 мамлакатда бўлган сайёҳлар ҳозир Перуда.

Ўтган йилнинг 13 августида Лондондан йўлга чиққан бу йигитлар соатига 54 км.дан йўл босишмоқда. Улар сафарларини декабрь ойида Рио-де-Жанейрода поёнига етказишмоқчи.

Дунё давлатлари 2015 йилгача бошланғич таълимни тўлиқ таъминлашлари лозим. Бироқ ривожланаётган мамлакатларда ҳамон 57 млн. бола бундай бахтдан бебаҳра қолмоқда. Ўқитувчилар рекорд баҳонасида жаҳон афкор оммаси эътиборини ана шу масалага қаратишмоқчи.

Интернет маълумотлари асосида
Ф.КОМРОН тайёрлади.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви жамоаси бошқарув етакчи мутахассиси Наргис Азаматовага падари бузруквори
Йўлдош АЗАМАТОВнинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

*Диққат, янги акция!*

## «Mahalla» ҳар бир хонадонга!»

**Ҳурматли юртдошлар!**

**Жорий йилнинг 31 декабрига қадар «Mahalla» ҳар бир хонадонга!» акцияси ўтказилмоқда. Унда қатнашиш учун Сиз газетамизга обуна бўлганингиз тўғрисида қуйидаги купонни тўлдириб, таҳририятимизга почта орқали юборишингиз лозим.**

**Таҳририятга келган купонлар жамланиб, ютуқли лотерея ўтказилади. Унда нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан уч нафар ютуқ эгалари аниқланади. Натижалар газетада эълон қилинади.**

**Ҳар бир ютуқ эгаси 500 000 сўмдан пул мукофоти ёки қимматбаҳо маиший техника буюмлари билан тақдирланади.**

**Ютуқ эгалари газетага йиллик обуна бўлгани тўғрисида муҳр билан тасдиқланган обуна квитанциясини, агар обуна ҳомий ташкилотлар кўмагида уюштирилган бўлса, у ҳолда, банк томонидан бу тўғридаги тўлов-топшириқноманинг аслини кўрсатишлари шарт.**

7-КУПОН

*Исм-шариф:*
*Манзил:*
*Телефон:*
*Обуна бўлинган сана:*

Mahalla

«ОБУНА — 2014»

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89
Котибият: 233-44-25
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Н.Юнусова
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

18372 нусхада чоп этилди. Буюртма J-8578
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.00